



**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

**mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022 yil, 22-iyun**



**Articles of international scientific-theoretical
conference on
“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE”
June 22, 2022**

TOSHKENT - 2022

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI
JAHON ADABIYOTI VA UNIVERSAL ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022- yil, 22-iyun*



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVO‘I TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND UNIVERSAL
LITERARY STUDIES

Articles of international scientific-theoretical conference on
**“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE”**
June 22, 2022

TOSHKENT – 2022

*Собит АВЕЗОВ,
филология фанлари номзоди, доцент
(БухДУ, Ўзбекистон)*

ФАРҲОД ВА ҲАМЛЕТ ОБРАЗЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Аннотация : Мақолада икки буюк ижодкорнинг Фарҳод ва Ҳамлет образлари ҳаёти ва тақдири қиёсланиб ўрганилган, муайян хулосаларга келинган.

Калит сўзлар: дoston, трагедия, муҳаббат, ишқ, дўстлик, рийкорлик, маккорли, ғоя, сюжет, хотима, диалог, характер, абадийлик, ўлмас образлар.

Abstract: the article compares the fate of images of Farhod and Hamlet of the two great creators. Concluded.

Keywords: dystonia, tragedy, love, affection, friendship, hypocrisy, deceit, idea, plot, conclusion

Дунёда инсон қалбининг гавҳари—муҳаббат. Муҳаббатсиз бу ҳаёт нашидаси ва меҳр-оқибати, гўзаллиги ва нафосати, таровати ва таманноси, жасорати ва ғасоҳати йўқ.

Навоий ижодида севги ва садоқатда машҳур тимсоллар борки, улар бутун инсоният қалбида муҳаббат туйғусини ёқиб маёқ бўлиб яшаб келмоқда. Шоир ижоди буюк хазина. “Чунки Навоий шеъриятида битта бош мақсад—комиллик, битта сорбон туйғу мавжуд—камолот туйғуси. Асосий нур қайнови бор—ишқ. Икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳияти ва саодати шу ишқда” – деб ёзади Иброҳим Ҳаққул (6:12). Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Дилором, Меҳр ва Суҳайл каби образлар шулар жумласидандир. Шоир ёзади:

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин,
Иккижаҳон демаки, жон бўлмасин.*

Ана шундай тимсол даражасига кўтарилган қаҳрамонлар инглиз адаби Уильям Шекспир ижодида ҳам муҳим ўрин тутди. Улар Ҳамлет ва Офеля, Отелло ва Дездемона, Ромео ва Жульетта, Антоний ва Клеопатрадир. Икки даҳо яратган ўлмас ошиқ-машуқлар ҳаётида воқеалар турлича ифодаланса-да, уларнинг самимий ва садоқатли муҳаббати қарама-қарши бўлган душманлари билан астойдил курашишда тобланиб боради. Ҳар қандай оғир вазиятларда бир-бирларига қалбан жипслаша олади. Афсуски, бу адолатсизлик, ҳийлагарлик, айёрлик, разолат ва зулм, ситам олдида ҳамиша ҳам

ғолиб чиқавермайди. Афсуски, асар охирида уларнинг қисмати китобхон қалбига азият олиб келса ҳам, асар охири ғожиа билан яқунланса-да, қахрамонларнинг мардона севгиси абадий эканлиги намоён бўлиб туради. Ҳақиқат риёкорлик ва разолат устидан ғолиб келганлиги қалбларга туганмас шуур бахш этади.

Биз ушбу мақолада Навоийнинг Фарҳод (“Хамса” асаридаги “Фарҳод ва Ширин” достони) ва В. Шекспирнинг Ҳамлет (“Ҳамлет” трагедияси) қахрамонлари муҳаббати, кураши ва жасорати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ўхшаш ва фарқли хусусиятлар ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Фарҳод – Чин ҳоқони оиласида туғилган. У отасининг неча йиллик орзуси меваси саналади. Шунинг учун ҳам подшо ўз фарзанди учун барча шароитларни яратади. Тўрт фаслга мос қаср бунёд этиб, фарзандига бахшида этади. Фарҳод эса шу қаср бунёдида усталардан меъморлик, наққошлик ва тош йўнувчилик ҳунарларини ўрганади. Уни тожу тахт қизиқтирмайди. Илм, жисмоний ва ҳарбий машқлар унинг муҳим машғулотига айланади. Ўн ёшида йигирма ёшлик ақл заковатга ва куч-қудратга эга бўлади. Шундай бўлса-да, унинг қалбини маҳзунлик тарк этмайди:

*Ўқуб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида сафҳа, сафҳа бори.
Кўриб чун ишқ-у ошиқлар мақолин,
Топиб ошуфта маҳзун кўнгли ҳолинг. [1:174-175].*

Фарҳодни ишқ дарди қийнайди. Не-не тўсиқларни энгиб, ўз севиқлиси Ширинни излаб Армания мамлакатига боради. Бу йўлда унга рассом ва сайёх Шопур дўстлик ва садоқат кўрсатади. Бу дўстлик ва садоқат Фарҳоднинг умри охиригача сақланиб қолинади.

Ҳамлет ҳам шоҳ оиласида туғилади. У ёшлигидан илмли, жасур ва курашувчан йигит сифатида таассурот қолдиради. Ҳамлет Даниянинг Элсинор шаҳрида туғилган бўлса ҳам, кейинчалик Виттен Берг шаҳрида таҳсил олади.

Ҳамлет—чин муҳаббат эгаси. У Офелияни астойдил севади. Офелиянинг акаси Лаерт ва отаси Полонийнинг тазйиқига қарамай, Ҳамлетнинг унга нисбатан самимий ва пок эҳтиросини падари бузрукворига айта олади:

*Оша чуқур хўрсиниққан сўнгни мажоли,
Сўнгни нафасини тамом сарфлади гўё,
Панжасини ёзиб кейин қўлимни қўйди*

*Ва елкаси оша менга тикилганича,
Йўлни сира адаштирамай эшикка юрди.
Шу алпозда эшикдан ҳам чиққанича то,
Мен тарафдан кўзларини узмади асло.* [7:252]

Асарда Ҳамлетнинг садоқатли дўсти Хорацио дўст образи сифатида тасвирланади. У Ҳамлетга сирдош, энг оғир ва мушкул дамларда унга садоқат кўрсатади. Ҳатто Ҳамлет вафотининг сўнгги дамигача унинг ёнида туради. Садоқатли дўст тимсоллари Фарҳод ва Шопур, Ҳамлет ва Хорацио инсонийлик жиҳатидан бир-бирига жуда яқиндир.

Фарҳод—Шарқ адабиётининг юксак намунаси бўлиб, у ҳақиқатга тўғри сўз ва адолат билан кураш олиб боради. Ўз жасорати билан бошқаларга ибрат ва намуна кўрсата олади. Чунки унинг қалбидаги мажозий ишқ ҳақиқий ишққа айланиб боради. “Ишқ ҳам—ўт. Ўт ўлганда ҳам—энг ёндирувчи, энг куйдирувчи ўт. Унинг таъсирида ошиқдаги ношоиста ёмон хислатлар маҳв бўлиб, руҳ покланади”,—деб ёзади таниқли олим Эргаш Очилов [5:37]. Ана шундай илоҳий ишқ билан у Ширинга муҳаббат кўяди. Бу илоҳийлик, Фарҳоддаги саъй-ҳаракат юксак меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялайди. У нафақат Ширинга, балки Арман халқига тоғда канал қазишда, сув келтиришда қилган жасорати, ўй-хаёллари фалсафий мазмун касб этади:

*Ҳунарни асрагум нетгумдир охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир охир?! [1:239]*

Бундай умумфалсафий ғоялар Фарҳоднинг душмани ҳисобланган Хисрав билан бўлган диалогда ҳам яққол сезилиб туради:

Деди: недур сенга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.

Дедиким: ишқиға кўнглунг ўрундур?

Деди: кўнглумда жондек ёшурундур.

Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?

Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.

Деди: бу ишқни инкор қилгил!

Деди: бу сўзни истиғфор қилгил!..

Дедиким: шаҳга бўлма ширкат андеи!

Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!.. [1:279].

Жасоратнинг кучи ва ранги ҳар хил бўлади. Ҳамлет ёш йигитлигидан оғир, қабих ва разил воқеликка дуч келади. Ўз амакиси

Клавдий ва унинг онаси малика Гертруда билан тил бириктириб отасига захар беради. Бу воқеа Арвоҳ образи орқали Ҳамлетга аёнлашади. Арвоҳ Ҳамлетдан бу ёвузликдан ўч олишни сўрайди. Асардаги бутун воқелик ана шу сюжетга қаратилган. Бу воқеа Ҳамлетни чексиз истиробга солади. Ҳатто Офелияга бўлган самимий муҳаббат ҳам бироз чекингандек кўринади. Ҳамлет ўзини жинни ҳолатига солади. Ҳатто сарой нозири Полонийни балиқчи деб атайди. Гарчи жиннидек кўринса-да, отаси арвоҳига ишонмай қатъий далил излайди. Полоний келтирган актёрни синовдан ўтказди. Қирол Клавдий ҳам шундай қарорга келади: унинг жиннилиги “Чин ишқ-у муҳаббатми ё бўлак савдо?”[7:280]. Бу воқеа даҳшатини Ҳамлет ва Офелия диалогига ҳам кўриш мумкин:

Ҳамлет: Ахир хурсандчилик қилмай бўладими? Қаранг, онам қандай хурсанд бўлиб ўтирибди, холбуки, отамнинг ўлганига атиги икки соат бўлди, холос.

Офилия: йўк, шахзодам, роса икки карра икки ой бўлди.

Ҳамлет: йўғ-э, наҳотки шунча вақт ўтган бўлса-я? Унда шайтон қора кийиб юраверсин, мен мўйна кияман.Ё Парвардигор! Ўлганига икки ой бўлибдию, ҳали унитилмабди.(7:292) Ёхуд бошқа ўринда:

Бошқа билан бир ёстикқа бош қўйиш, бешак

Ўлган эрни яна бир бор ўлдириш, демак.[7:295].

Ҳамлет актёрлар ёрдамида “Қопқон” сахнасини уюштиради. Бундан таъсирланган қирол хасталанади. Сарой аъёни Розинкранс: Бундан мақсадингиз не деб сўраганда Ҳамлет: Менга баландроқ бир амал керак!– деб жавоб беради. Розинкранс: Нечук қирол сизни Даня тахтига валиаҳдт деб эълон қилган-ку!

Ҳамлет: Ҳа, тақсир, бироқ Пичан униб ўсгунча, от очидан ўлмасми?, – деган мақол бол.[7:203].

Аслида Фарҳод каби Ҳамлетнинг орзуси ҳам тожу тахтни эгаллаш эмас, балки қиролнинг қабиҳлигини унга тан олдиришдир. Ҳамлет онаси билан учрашиш сахнасида гилам ортида яшириниб турган Полонийни тўсатдан ўдириб қўяди. У пойлоқчини қирол деб ўйлаган эди.

Қирол Ҳамлетдан Полонийни сўраганда: у зиёфатда деб жавоб беради.

Қирол: Зиёфатда? Нечук зиёфатда?

Ҳамлет: У шундоқ бир зиёфатдаки, шоҳим, унда у эмас, унинг ўзини ейишади ҳозир, хойнаҳой, қурт-қумурсқаларнинг бутун бир

галаси уни ўртага олиб, талаш-талаш қилиб ейишгандир. Жаҳондаги жамики амалдорларнинг подшоси, мен сизга айтсам курт-кумурска бўлади. Биз ўзимизни боқиш учун не-не жониворларни еймиз, лекин алал-оқибат боқувдаги танзим билан ўзимиз куртларга ем бўламиз. Бақалоқ шоҳми ёки қилтириқ гадо—барибир, бу—битта дастурхонга тортилган икки хил таомдек гап, яъни, оқибат битта [7:323].

Асар охирида Фарҳод ҳам, Ҳамлет ҳаммаккорлик қурбони бўлишади. Фарҳод шоҳ Хисравнинг хийлаларига дуч келса, Ҳамлет амакиси Клавдийнинг маккорлиги олдида ожиз қолади. Бироқ Хисрав ўғли Шеруя томонидан ўлдирилса, Ҳамлет Клавдийдан ўч олиб уни бу дунёдан йўқ қилади. Бу ёруғ дунёда икки салбий образ ҳам жазосини топади. Фарҳоднинг орзулари ёшлиқдаги садоқатли дўсти Баҳром томонидан амалга ошади. У Арманистонга келиб Шеруяни энгади. Достон кўтаринки руҳда яқунланади. Ҳамлет ҳам Клавдийнинг хийласи—Лаерт билан қиличбозликда заҳарланиб вафот этса-да қиролни ўлдиради. Асар охирида унинг дўсти Хорацио ҳамдардлиги билан яқунланади.

Чил-чил бўлиб синди, эвоҳ, ноёб бир юрак,
Хайрли тун бўлсин сенга, азиз шаҳзодам,
Ухла, фаришталар ширин аллалар айтсин.[7:381].

Таниқли олим Эргаш Очилов ўзининг “Бир ҳовуч дур” “Ҳизру Машиҳ”, “Тафаккур ва талқин” фаслларида Фарҳоднинг ўлмас ва жасоратли бадий образ сифатида шоир ғазалиётида ҳам муносиб ўрин тутишини эътироф этади. [4:78].

Хулоса қилиб айтганда, Фарҳод образи реалистик ва романтик туйғулар асосида яратилган ўлмас образ сифатида асрлар оша яшаб келаётган бўлса, Ҳамлет тимсоли жамиятдаги ижтимоий қарама-қаршилиқлар ғолиби сифатида барҳаётдир.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамса. (П.Шамсиев таҳрири остида), Ўзбекистон Фанлари академияси нашриёти босмахонаси, 1958-йил.
2. Алишер Навоий. Ҳикматлар (Тўпловчи филология фанлари номзоди Е.Очилов)Тошкент, Ўзбекистон 2011.407б.
3. Ҳаққул Иброҳим. Шекспир машғали. Уильям Шекспир. Сайланма. Биринчи жилд Ҳамлет трагедияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ”Фан” нашриёти, 2007, 5-37-бетлар.